
ФАРҒОНАДА ЁШ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ "ЗАКОВАТ"ДА БЕЛЛАШМОҚДА

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида Ёшлар кунига бағишланган давлат органлари ва ташкилотларининг ёш давлат хизматчилари ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйини бўлиб ўтмоқда.

Давлат органларидаги иқтидорли, профессионал, тезкор ва самарали давлат хизматчиларини шакллантириш ҳамда янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли ёш кадрларни саралаб олиш мақсадида ўтказилаётган "Заковат" интеллектуал ўйинида сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов "Заковат" ёшларнинг ҳақиқий билим майдонига айланаётганини таъкидлаб, барча жамоаларга омад тилади.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона филиали ҳамкорлигида ташкил этилган ўйинда 35 та жамоа ўз билимини синовдан ўтказмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-06-27 11:49:07